ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

О.Т.ЮЛДАШЕВ

SUI СУҒУРТА ИШИ КАФЕДРАСИ

СУҒУРТА ИШИ

Тошкент-2014

5-МАВЗУ: СУҒУРТА БОЗОРИ ВА УНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

РЕЖА

1. Суғурта бозори тушунчаси ва унинг иштирокчилари.
2. Суғурта бозорининг турлари ва уларга умумий тавсифнома.
3. Суғурта бозори инфратузилмасининг суғурта бозори ривожланишидаги аҳамияти.
4. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурлиги ва назорат қилиш шакллари.
5. Давлат суғурта назорати: унинг функция ва вазифалари.

5.1. Суғурта бозори тушунчаси ва унинг иштирокчилари

Ҳар бир бозорда сотувчи ва харидор бўлади ҳамда улар ўртасида тегишли товарлар (хизматлар) айирбошланади. Худди шундай, суғурта бозорида ҳам сотувчи (суғурталовчи) ва харидор (потенциал суғурталанувчи) иштирок етади.

Суғурта бозори иштирокчилари

- суғурталовчи
  - суғурталовчи - бу мамлакат худудида суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган ҳамда суғурталаш ўзи учун асосий фаолият тури ҳисобланган юридик шахслардир.
- потенциал суғурталанувчи
  - суғурта “маҳсулотини” сотиб олишга еҳтиёжи бор, аммо ҳали суғурталовчилар билан тегишли суғурта муносабатларига киришмаган шахслар потенциал суғурталанувчилар деб аталади.

5.2. Суғурта бозорининг турлари ва уларга умумий тавсифнома

Суғурта бозори ҳудудий жойлашувига қараб, қуйидаги суғурта бозорларига бўлинади.

миллий

Миллий суғурта бозори бирон-бир мамлакат ҳудудидаги суғурта муассасаларини ва уларни фаолиятини ўз таркибига олади.

минтақавий

Минтақавий суғурта бозори деганда савдо, иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан ўзаро яқин муносабатда бўлган бир нечта мамлакатларнинг ички бозори тушунилади.

халқаро

Халқаро суғурта бозори сифатида дунё миқёсида суғурта фаолиятини олиб борувчи алоҳида мамлакатларнинг ички бозори тушунилади.

Суғурта бозорлари ҳудудий бўлиниш билан бир қаторда суғурта турларига қараб ҳам хилма-хил бўлиши мумкин. Иқтисоди ривожланган мамлакатлар амалиётида суғурта бозори иккига бўлинади:

- Ҳаётни суғурта қилиш билан боғлиқ суғурта хизматлари бозори
- Умумий суғурта хизматлари бозори

5.3. Суғурта бозори инфратузилмасининг суғурта бозори ривожланишидаги аҳамияти

Суғурта институти бозор инфратузилмасининг таркибий қисми сифатида унинг ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Шу ўринда, «инфратузилма» тушунчаси иқтисодий илмий луғатларда турлича: масалан, «асосий ишлаб чиқариш соҳалари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи иқтисодий тармоқлар йиғиндиси» ёки «маълум тармоққа хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқарувчи ва ноишлаб чиқарувчи тармоқлар мажмуаси» каби маъноларда қўлланилишини қайд етиш мумкин.



Хусусан, суғурта бозори инфратузилмасининг мазмун-моҳиятини очиб беришда, иқтисодиёт субъектининг самарали фаолият юритиши учун кафолатли шарт-шароит яратувчи фаолият турлари мажмуаси назарда тутилади.

Маълумки, суғурта маҳсулоти сотилишининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд ва бу жараён қуйидаги босқичларни ўз ичига олади.

суғурта риски ҳақида ахборот тўплаш ва уни аниқлаштириш

суғурта шартномасини имзолаш ва унинг амал қилишини таъминлаш



Суғурта бозори инфратузилмасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, унинг таркибига қуйидаги субъектларни киритиш мумкин:

5.4. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурлиги ва назорат қилиш шакллари

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишнинг асосий мақсади суғурта маҳсулоти истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Суғурта назорати давлат органинг барча фаолияти, яъни суғурталовчиларнинг суғурта фаолиятини назорат қилиш ва молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Норматив- ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалда қўлланилиши устидан назорат ўрнатиш кабиларни суғурта маҳсулоти исътемолчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилинишининг чоралари сифатида қабул қилиши мумкин.

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг барчасида суғурта бозори давлатнинг ваколатли идоралари томонидан тартибга солиб борилади.

Японияда

- Молия вазирлигининг суғурта булими

Масалан, Буюк Британияда суғурта ишини

- Савдо ва саноат департаменти

АҚШда эса

- махсус суғурта комиссариатлари назорат қилиб боради.

Давлат, бундай назорат ишини олиб борар екан, аввало, мамлакатнинг суғурта соҳасига тааллуқли қонунларига ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларига асосланади. Суғурта ва қайта суғурталаш компаниялари, суғуртага ихтисослашган воситачилар давлат суғурта назоратининг объектлари ҳисобланади.

Суғурта фаолиятини назорат қилиш шакллари

- Махсус ваколатли давлат органи
- Солиқ органлари
- Мажбурий суғуртани жорий қилиш

5.5. Давлат суғурта назорати: унинг функция ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи махсус ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

Суғурта назорати давлат инспекцияси асосий вазифалари:

1. бажарилиши мажбурий бўлган тўлов лаёқати нормаларини ва уларни аниқлаш тартибини, алоҳида таваккалчиликлар бўйича суғурталовчиларнинг мажбуриятлари чекланган йўл қўйиладиган миқдорини ҳисоблаб чиқиш методикасини ҳамда мажбуриятларнинг жами миқдорини, суғурталовчиларнинг тўловга лаёқатлилиги бўйича ахборот бериш тартиби ва муддатларини белгилаш;
2. суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, тўловга лаёқатлиликнинг белгиланган нормативларини ва уларнинг молиявий барқарорлигига қўйиладиган бошқа талабларни таъминлаш
3. суғурталовчилар томонидан суғурта захиралари маблағлари шакллантирилиши ва жойлаштирилиши бўйича ҳисобот юритиш тартибини, ҳисоботлар тузишни белгилаш
4. суғурталовчилар ва суғурта брокерлари лицензияларининг амал қилишини кўпи билан ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ёхуд суғуртанинг айрим турлари (класслари)га нисбатан тўлиқ тўхтатиш, ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораси сифатида кўрсатиб ўтилган лицензияларнинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тўғрисида судга мурожаат қилиш

5

- қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бозори профессионал қатнашчиларининг фаолиятини текшириш ва аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

6

- суғурталовчилар томонидан молиявий ҳисобот берилиши шакллари, тартиби ва муддатларини белгилаш

7

- суғурталовчилар томонидан суғурта захиралари ҳосил қилиш ва жойлаштириш тартиби ва шартларини белгилаш;

8

- ҳар бир молиявий йил тамом бўлгандан кейин олти ой ўтгач суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича фаолият тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни, шунингдек молиявий йил мобайнида суғурта бозорининг фаолияти тўғрисидаги статистика маълумотларини эълон қилиш

9

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

1
- суғурталовчилар томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ва уларнинг ҳисоботлари ишончлилигини, шунингдек улар учун белгиланган тўловга лаёқатлилик кўрсаткичлари ва молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари таъминланишини текшириш;

2
- суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш;

3
- ўз ваколатлари доирасида суғурталовчилар ишини методик таъминлаш;

4
- суғуртанинг мажбурий турлари бўйича суғурта қилиш қоидалари (шартлари) ва суғурта тарифлари белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

5

- Давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб суғурта муносабатларининг барча қатнашчилари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича норматив ҳужжатлар ва методик материалларни ишлаб чиқиш;

6

- суғурта фаолияти масалалари бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун вазирлик раҳбариятига киритиш;

7

- суғурталовчилар тугатилган ва қайта ташкил этилган тақдирда суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

8

- республикада суғурта фаолияти ривожланишининг ҳолати ва тенденцияларини таҳлил қилиш;

9

- суғурта фаолияти бўйича мутахассисларни касбга тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашга доир тадбирларни амалга ошириш, суғурта фаолияти масалалари бўйича семинарлар ва конференциялар ташкил этиш;

10

- оммавий ахборот воситалари орқали суғурта фаолияти масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориш.